



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MAKTABGACHA VA MAKTAB TA’LIMI VAZIRLIGI

REPUBLIC OF UZBEKISTAN MINISTRY OF PRESCHOOL AND SCHOOL EDUCATION

100011, Toshkent shahri, Navoiy ko‘chasi, 2a-uy Tel.: (+998) 71 241-01-86; (+998) 55 503-74-00
web-site: www.uzedu.uz, e-mail: uzedu@exat.uz

2024-yil 28-fevral

04-27-110-son

Qoraqalpog‘iston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta’limi vaziriga, Toshkent shahar va viloyatlar maktabgacha va maktab ta’limi boshqarmalari boshliqlariga

Nusxasi: O‘zbekiston Respublikasi
Milliy gvardiyasiga

Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligi va Milliy gvardiyasining “**Umumiy o‘rta ta’lim maktablarida o‘quvchilarni ta’limga jalb etish, ularni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, qonunbuzarliklarning oldini olish, psixologik qo‘llab-quvvatlash hamda xavfsizlikni ta’minlash yuzasidan hamkorlik qilish to‘g‘risida**” 2024-yil 26-fevraldagi 4k/k, 5k/k-son qarori ijro uchun yuborilmoqda.

Sizdan mazkur qarorni barcha ta’lim muassasalariga yetkazishingizni hamda tegishli hamkor tashkilotlar bilan birga belgilangan vazifalarni o‘z muddatlarida bajarishingizni va **har oyning 5-sanasiga qadar** qaror ijrosi yuzasidan vazirlikka ma’lumot kiritib borishingiz so‘raladi.

Ilova: ___ varaqda.

Vazir o‘rinbosari



F.Boqiyev

Ijrochi: F.Zaripov,
tel: 55-503-74-00 (4021)

info@uzedu.uz



O‘zbekiston Respublikasi
Maktabgacha va maktab
ta’limi vazirligi



www.uzedu.uz



[uzedu](https://t.me/uzedu)



[uzedu](https://www.facebook.com/uzedu)



[uzedu.uz](https://www.instagram.com/uzedu)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни таълимга жалб этиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, конунбузарликларнинг олдини олиш, психологик қўллаб-қувватлаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш юзасидан ҳамкорлик қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 февралдаги “Вояга етмаганлар ўртасида конунбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-55хдфу-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни таълимга жалб этиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, конунбузарликларнинг олдини олиш, психологик қўллаб-қувватлаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш юзасидан ҳамкорлик концепцияси 1-иловага мувофиқ;

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни таълимга жалб этиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, конунбузарликларнинг олдини олиш, психологик қўллаб-қувватлаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш юзасидан ҳамкорлик концепциясини амалга ошириш “Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

“Оила – маҳалла – мактаб” занжири асосида фаолиятни йўлга қўйиш ҳамда мактабдаги давоматни яхшилаш мақсадида умумий ўрта таълим мактабларига вақтинча бириктирилган Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари (ходимлари) томонидан инспектор-психолог лавозимлари тўлик жамлангунга қадар мактабларда фаолият юритади;

умумий ўрта таълим мактабларида “Хавфсиз мактаб” концепциясини кенг жорий этиш, хавфсизлик тизимини такомиллаштириш ҳамда идоравий коровуллик ишчиларини Миллий гвардия ҳудудий Қўриқлаш бошқармалари тузилмасига тўлик ўтказиш ва куну-тун хизматни ташкил этиш масалалари

яқунлангунга қадар, мактабларга бириктирилган кўриклаш бўлинмалари ходимлари ва хизматчилари хизматни давом эттиради.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари ҳамда ҳудудий Миллий гвардия бўлинмалари раҳбарларига:

ўқувчиларни таълимга жалб этиш ҳамда дарсларга катнашиш давоматини яхшилаш, мактаб ёшидаги фарзандининг мактабга боришига тўсқинлик қилаётган ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)ни аниқлаш ҳамда уларга нисбатан қонуний таъсир чораларини қўллашда **хамкорлик қилинсин;**

мактаб маъмурияти билан биргаликда ҳар бир мактабда инспектор-психолог фаолияти учун **хизмат хонасини ажратиш масаласи ҳал этилсин;**

умумий ўрта таълим мактабларидаги ўқувчиларнинг давомати юзасидан юритиладиган ҳисобот шаклларининг **ягона ва ҳаққоний мониторинги юритилсин;**

“Ёш гвардиячилар” ихтисослаштирилган синфлар фаолиятини барча умумий ўрта таълим мактабларида **босқичма-босқич жорий этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилансин.**

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Мактабгача ва мактаб таълими вазири ўринбосари Ф.Боқиев ҳамда Миллий гвардия кўмондони ўринбосари С.Мамаюсов зиммасига юклатилсин.

5. Мазкур қарор тегишли шахсий таркиб эътиборига етказилсин.



Мактабгача ва мактаб
таълими вазири

_____ Х. Умарова

Тошкент ш.,

2024 йил "26" февраль

4 к/к - сон



Миллий гвардия
кўмондони

_____ Р. Джураев

Тошкент ш.,

2024 йил "26" февраль

5 к/к - сон

**Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни таълимга
жалб этиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш,
қонунбузарликларнинг олдини олиш, психологик қўллаб-
қувватлаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш юзасидан ҳамкорлик
КОНЦЕПЦИЯСИ**

Мақтабларда “Хавфсиз мақтаб” концепциясини кенг жорий этиш жараёнини замонавий ахлоқий-психологик методикалар, ватанпарварлик тарбия соҳасининг илғор ютуқлари ва ахборот технологиялари асосида ташкил қилиш, “Оила-маҳалла-мақтаб” узвий тизими асосида вояга етмаганлар билан манзилли ишлашни йўлга қўйиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси (кейинги ўринларда – Миллий гвардия) республика миқёсида умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни таълимга жалб этиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, қонунбузарликларнинг олдини олиш, психологик қўллаб-қувватлаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш борасида ҳамкорлик қилади.

Ҳамкорлик қилиш тизими **“Мақтаб – туман (шаҳар) – вилоят – республика”** даражасида ўрнатилиб, давомат ва бошқа ҳисобот шакллари бўйича ахборот алмашинуви йўлга қўйилади.

Умумий ўрта таълим мақтабларига бириктирилган Миллий гвардия инспектор-психологлариининг бевосита хизмат жойи мақтаблар этиб белгиланади ҳамда улар мақтаб психологлари билан биргаликдаги кундалик фаолиятини ташкил этиб боради.

**I. Ўқувчиларни таълимга жалб этиш ҳамда дарсларга қатнашиш
давоматини яхшилаш**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида, умумий ўрта таълим ёшидаги болалар учун мажбурийлиги ҳамда умумий ўрта таълим давлат назоратида эканлиги кўрсатиб ўтилган бўлиб, ўқувчиларни умумий ўрта таълимга тўлиқ жалб этиш ҳамда дарсларга қатнашиш давоматини яхшилаш масалалари мақтабларга бириктирилган

Миллий гвардиянинг инспектор-психологлари томонидан мактаб маъмурияти билан ҳамкорликда амалга оширади.

2. Мактаб маъмурияти ва инспектор-психологнинг вазифалари қуйидагича белгиланади:

хар кун фан ўқитувчилари (синф раҳбарлари) томонидан ўқувчиларнинг давоматини е-Мақтаб электрон платформада қайд этади;

маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари сабабсиз дарсга келмаган ўқувчиларни аниқлаб, рўйхатини шакллантиради ва инспектор-психолог, бириктирилган Миллий гвардия ходимларига тақдим этади;

мактаб маъмурияти, инспектор-психолог ва бириктирилган Миллий гвардия ҳамкорлигида ўқувчиларнинг таълим олиш жараёнига таъсир қилмаган ҳолда уларнинг давоматини юритади;

ўқувчилар давоматини таҳлил қилиш учун е-Мақтаб электрон платформаси орқали маълумотлар олинади, дарс жараёнларини бузишга йўл қўйилмайди;

Миллий гвардия ходими сабабсиз дарсга келмаган ўқувчилар тўғрисидаги маълумотни “Маҳалла еттилиги” ва маҳаллада ташкил этилган ишчи гуруҳларга етказилади;

“Маҳалла еттилиги” ва Миллий гвардия ходими сабабсиз дарс қолдирган ўқувчиларнинг яшаш манзилига бориб, ота-она билан профилактик суҳбат ўтказилади ва болани дарсга қайтариш чорасини кўради;

заруратга кўра, фарзандининг таълим олишига тўсқинлик қилган ва мажбуриятини бажармаган ота-онага маъмурий чора кўрилади.

хар ҳафта “Маҳалла еттилиги” ва Миллий гвардия ходими ўқувчиларни дарсга қайтариш бўйича кўрилган чоралар юзасидан мувофиқлаштирувчи штабга ва **мактаб маъмуриятига маълумот киритиб боради.**

3. Ҳар бир мактаб бўйича сурункали равишда дарс қолдирувчи ўқувчилар рўйхати тузилиб, улар тоифаларга ажратилади (дарс машғулотида 3 кундан ортиқ сабабсиз қатнашмаган ўқувчилар сурункали дарс қолдирган ҳисобланади).

Дарсда сурункали (мунтазам) қатнашмайдиган ўқувчилар “**қизил**” тоифага, кечикиб келувчилар “**сарик**” тоифага ажратилади.

4. Мактаб маъмурияти, инспектор-психолог томонидан “Маҳалла еттилиги” аъзоларининг бири иштирокида “**қизил**” ва “**сарик**” тоифаларга ажратилган ўқувчининг яшаш манзилига бориб, ота-онаси билан

фарзандининг сурункали мактабга келмаганлик ҳолати бўйича профилактик суҳбат ўтказилади ва сабабларига аниқлик киритилади.

5. Сурункали (мунтазам) дарс қолдирувчи ўқувчиларнинг ота-онасига “Маҳалла еттилиги” аъзоларининг бири томонидан икки мартаба расмий огоҳлантириш хати тақдим этилади, ўзгариш бўлмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасига мувофиқ ота-онани (уларнинг ўрнини босувчи шахсни) жавобгарликка тортиш чораси кўрилади.

6. Мактабга келмаслик ҳолати бўйича мактаб маъмурияти ва инспектор-психолог ўқувчининг ота-онаси ёки уни ўрнини босувчи шахслар иштирокида психологик ва профилактик суҳбат ўтказилади.

7. Ўқувчилар томонидан дайдилик ва тиланчилик қилишининг олдини олиш мақсадида, ижтимоий ҳолати оғир бўлган ҳамда назоратсиз қолган ўқувчиларни давлат ижтимоий ҳимоя дастурлари асосида ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари юзасидан, мактаб маъмурияти томонидан ижтимоий оғир ҳолатдалиги сабабли мактабга келмаётган ўқувчиларнинг рўйхати асосида уларнинг ота-оналарини “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Меҳр дафтари”га киритиш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳудудий МФЙ жамғармаси томонидан оилаларга моддий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш юзасидан тегишли хат киритади.

8. Ўқувчиларнинг дарс вақтида машғулотларга қатнашишини таъминлаш ва кўшимча таълим олишлари учун шароит яратиш мақсадида мактабларнинг ўзида хусусий секторни жалб этган ҳолда қонунчиликда белгиланган имтиёзли шартлар асосида фан ва хорижий тилларни ўргатиш бўйича ўқув марказлари (репетиторлик) фаолияти йўлга қўйилади.

9. Ўқувчиларни дарс вақтида ота-оналари томонидан кўшимча даромад топиш ишларига жалб этиш ҳолатларининг олдини олиш чоралари кўрилади.

Ҳар ҳафтанинг пайшанба “Профилактика куни” доирасида инспектор-психолог ҳамда “Маҳалла еттилиги” вакиллари ва ички ишлар органлари ходимларини жалб этган ҳолда дарс жараёнида савдо-сотик ва хизмат кўрсатиш секторларида меҳнат қилаётган ўқувчиларни аниқлаш юзасидан “Давомат” тадбири ўтказиб борилади.

10. “Давомат” тадбирида аниқланган мактаб ёшидаги вояга етмаган болаларнинг ота-оналарига нисбатан белгиланган тартибда маъмурий чора кўрилади.

11. Хорижий давлатга ота-онаси билан бирга чиқиб кетган ва мактаб рўйхатида турган ўқувчиларнинг рўйхати асосида уларнинг ота-онаси

ва яқин қариндошлари орқали хориждаги манзили, кетиш мақсади, ижтимоий аҳволи, фарзандининг хорижда таълимга жалб этилганлигига аниқлик киритилади.

12. Мактаб маъмурияти томонидан боланинг хорижда таълимга жалб этилганлигини тасдиқловчи расмий хужжатлар асосида тегишли Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссияси қарорига мувофиқ уни мактаб ўқувчилари ҳисобидан чиқариш чоралари кўрилади.

Бунда, хорижий давлатга кетган болалар бўйича даволат мактаб маъмурияти ва инспектор-психологлар томонидан назоратга олинади.

13. Ички ишлар органлари билан ҳамкорликда хорижда таълимга жалб этилмаган болаларнинг ота-онасини жавобгарликка тортиш масаласи ҳал этилиб, натижасига кўра ота-онага келгусида фарзандининг таълимга жалб этилишини таъминлаш мажбурияти юклатилади.

14. Ота-онаси узок муддат хорижга кетганлиги ва назоратсиз қолганлиги сабаб дарс машғулотларига қатнашмаётган ўқувчилар (вояга етмаганлар) қонуний вакиллари (васий ёки ҳомий) тайинланганлиги ҳолати ўрганиб борилади.

15. Васий ёки ҳомий тайинланмаган ҳолларда инспектор-психолог, худудий маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари ҳамда профилактика инспектори ҳамкорлигида ўқувчининг ота-онаси ҳақида маълумотлар тўплангани ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47⁷-моддаси билан жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади.

Ўқувчининг келгусида назоратсиз қолишининг олдини олиш чоралари кўрилади.

16. Мактабларда ўтказиладиган ота-оналар йиғилишларида инспектор-психолог иштирок этиб, ота-оналарга фарзандларини таълим-тарбияси, хулқи, ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши билан боғлиқ масалаларни муҳокама этиб боради.

II. Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда юртга садоқат ҳиссини юксалтириш

17. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларда Ватанга садоқат ҳиссини юксалтириш масалалари энг долзарб ҳисобланади.

18. Ўқувчиларнинг Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзларига бўлган ҳурматини ошириш мақсадида барча мактабларда кун тартиби Давлат мадҳиясининг янграши (ижро этиш)дан бошланади.

19. Мактабнинг асосий биносига кириш қисми, “Бизнинг фахримиз”, маънавият хонаси, йиғилишлар зали ҳамда ҳар бир синфга мос равишда катта ва кичик ҳажмдаги Давлат байроғи ўрнатилади.

20. Алоҳида режа асосида мактабларда “Ёш гвардиячилар” ихтисослаштирилган синфлари босқичма-босқич ташкил этилади.

21. “Ёш гвардиячилар” ихтисослаштирилган синфлар фаолияти ҳамда ўқув кўргазмали воситалар билан таъминлаш намунасига кўра, икки босқичда жорий этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланади.

“Ёш гвардиячилар” ихтисослаштирилган синфларини туман (шаҳар) ҳарбий-маъмурий секторлар томонидан бюджетдан ташқари маблағлар, хомийлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ўқув кўргазмали воситалар билан таъминланади.

22. “Ёш гвардиячилар” ихтисослаштирилган синфларидаги ўқувчилар билан ўтказиладиган ватанпарварлик тадбирлари махсус дастурлар асосида амалга оширилади.

23. Ҳар бир мактаб ташқарисида саф майдони ташкил этилади ҳамда ўқувчиларни жисмоний чиниктириш майдончаларига машқ қилиш, тўсиқлардан ўтиш анжомлари билан жиҳозланади.

24. Мактаб маъмурияти тегишли вилоят, туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган миллий гвардия, мудофаа, фавқулодда вазиятлар ҳамда ички ишлар бўлинмалари томонидан битирувчи синфлари билан “Ватанпарварлик соат”ларини ўтказиш режасини тузади.

25. “Ватанпарварлик соат”лари давомида ўқувчиларнинг ҳарбий қисмлар, бўлинмалар ва полигонларга ташриф ҳамда очиқ эшиклар кунлари ташкил этилади.

26. Битирувчи синф ўқувчилари билан ҳарбий полигонларда 2 кунлик дала ўқув машғулоти ўтказилади.

27. Ҳар бир туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан ҳудудидаги мактаб ўқувчилари билан ҳар ойда икки мартаба учрашиш “Ҳоким ва ўқувчи” тадбирларини амалга оширилиши йўлга қўйилади.

Бунда ўқувчи томонидан бевосита ҳокимга ўз муаммо ва таклифларини билдириши, истак-хоҳишлари ҳамда келажақдаги мақсадлари (режалари) ҳақида фикр билдиришларига имкон берилади.

28. “Ватанпарварлик соат”лари давомида мактаб ўқувчилари билан спорт турлари бўйича яқка тартибдаги ва жамоавий мусобақалар ташкил этилади.

29. Юқори синф ўқувчиларига мактабни тамомлаганидан сўнг, жамиятга интеграциялашувига ёрдам кўрсатиш, касб танлаш, олий таълимга

ўқишга кириш ҳамда меҳнат қилиш мотивациясини уйғотиш мақсадида улар билан мактаб маъмурияти ҳамда инспектор-психологлар томонидан давра суҳбатлари ўтказилади.

30. Мактабларда бир ойда камида икки маротаба илм-фан, маданият, спорт соҳаларида юқори натижаларга эришган, обрў-эътиборга эга таниқли шахслар иштирокида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

III. Мактаб ўқувчилари орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда психологик таъминлаш

31. Мактабга бириктирилган инспектор-психологлар ҳар бир мактаб бўйича мактаб психологлари билан биргаликда қуйидагиларнинг рўйхати юритилади ҳамда ўқувчилар (уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан манзилли ишлашни йўлга қўйилади.

Бунда:

сурункали равишда сабабсиз ўқишга келмайдиганлар (дарс қолдирувчилар);

ҳуқуқбузарлик содир этганлар ёки туман ИИБ профилактик рўйхатида турганлар;

доимий равишда белгиланган тартибга риоя этмасдан хорижий давлатларга чиқиб кетадиганлар (кетганлар);

юриш-туриши, тарбияси ва ахлоқий-руҳий ҳолатида салбий ўзгаришлар кузатилганлар (мунтазам равишда буллинг қўлланувчи ва ўқитувчиларга ҳурматсизлик қилувчилар);

наркотик ва психотроп воситалари, тамаки маҳсулотлари ҳамда спиртли ичимликларни истеъмол қилувчилар;

доимий равишда ота-онаси томонидан меҳнатга жалб этиладиганлар;

фарзандининг таълим олишига тўсқинлик қиладиганлар;

мактаб ички-тартиб қоидаларига риоя қилмайдиганлар (мактабга ўқув қуролларисиз келадиган, белгиланган русумдаги кийим-кечаклар киймайдиган, доимий дарсларга кечикиб келадиган, тигли ва жароҳатловчи жисмлар олиб юрувчилар);

жамиятда ва оилада тазйиқ ва зўравонликка учраганлар.

32. Мактаб психологи ҳамда инспектор-психолог биргаликда ўқувчилар орасида қонунбузилишига ва бошқа кўринишдаги хулқ оғишларига қарши иммунитетни шакллантиришга қаратилган қуйидаги манзилли психологик ишлар амалга оширилади:

хулқи ва хатти-ҳаракатларида оғишлари кузатилган, “Хавф гуруҳи”га киритилган болалар билан яқка тартибдаги суҳбатлар ўтказилади;

мактаб ўқувчиларида келиб чиқиш эҳтимоли бўлган салбий хулқ-атвор ва бошқа ҳолатларни олдини олиш мақсадида психологик ташхис ишлари амалга оширилади;

ҳар бир бола учун алоҳида психологик портрет яратилади;

хулқ оғишлари кузатилган ўқувчилар билан мотивацион тренинглار ташкил этилади;

ҳисобга олинган болаларни оила аъзолари билан ишонарли муносабатлар ўрнатилади ва оила аъзолари иштирокида психокоррекция ва психологик тернинглар ўтказилади;

жамоавий ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш, барқарорлаштириш ва ижтимоий мослашувини таъминлашга йўналтирилган психологик-профилактик тренинг ҳамда суҳбатлар ташкил этилади;

мактаб маъмурияти ва ўқитувчилар билан якка тартибда суҳбатлар (интервью) олиб борилади, шунингдек, мактабларда ижобий ахлоқий-психологик муҳитни яхшилаш борасида умумий тартибда психологик кўллаб-қувватлаш (психологик ўйинлар, тренинг) ташкил этилади.

33. Мактаб психологи ҳамда инспектор-психологи ўқувчилар томонидан содир этилган ҳар бир жиноятни тўлиқ таҳлил этади, ҳудуддаги МФЙ вакиллари билан биргаликда жиноят содир этганларнинг хонадонига бориб, турмуш шароитларини ўрганади, жиноятнинг келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаштиради.

34. Мактабда ўқувчилар орасида қонунбузилиш ҳолатларига мурасасиз муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, наркотик ва психотроп воситалар ҳамда спиртли ичимликлар истеъмол қилишларининг олдини олиш ҳамда уларга салбий оқибатларини етказиш юзасидан давра суҳбатлари ташкил этилади.

35. Инспектор-психолог тегишли ички ишлар органлари билан ҳамкорликда хорижга чиқиши учун вояга етмаган фарзандига паспорт расмийлаштирган ҳар бир ота-она билан фарзандини нима мақсадда олиб кетаётганлиги, келгусида фарзандининг таълимига доир муносабатларни тартибга солиш юзасидан улар билан аниқлаштириш ишлари олиб борилади.

36. Дарс вақтида ўқувчиларнинг мобил алоқа воситалардан фойдаланиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида мобил телефон воситалари сақланадиган қутиларининг намунаси белгиланади.

Ҳар бир мактабнинг синфхоналарида ўқувчиларнинг мобил алоқа воситаларини сақлаш қутилари ташкил этилиб, ўқувчиларда дарс бошланишидан олдин мазкур қутилари мобил алоқа воситаларини жойлаштириш кўникмалари шакллантирилади.

37. Мактаб маъмурияти, инспектор-психолог ҳамда худуддаги ички ишлар органлари ходимлари билан биргаликда мактаб худудига яқин жойлашган савдо-сотик объектларида ўқувчиларга спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари сотилишининг олдини олиш мақсадида савдо-сотик объектлари эгалари ҳамда сотувчилар билан мактаб ўқувчиларига спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари сотилишини тақиқлаш юзасидан тушунтириш-огоҳлантириш ишлари олиб борилади.

38. Мактабларда умумий ахлоқий-руҳий ҳолатни яхшилаш ҳамда ўқувчилар билан жамоавий ва якка тартибдаги психологик қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадида ҳар жума кунда ўтказиладиган “Синф соати” доирасида мактаб психологи ҳамда инспектор-психологлар томонидан “Психолог маслаҳати” соатини ўтказиш йўлга қўйилади.

Миллий гвардия Жамоат хавфсизлиги университети, Психологик таъминлаш ва Болалар психологияси марказлари, Вазирлик ҳузуридаги Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, психологик ва педагогик республика ташхис маркази билан ҳамкорликда тайёрланган дастурий қўлланмалар асосида “Психолог маслаҳати” соатлари ташкил этилади.

39. Мактаб психологи ҳамда инспектор-психолог томонидан тазйик ва зўравонликка учраган ўқувчилар билан якка тартибдаги суҳбатлар ўтказилади ҳамда психологик ёрдам кўрсатилади.

Жабрланган ўқувчининг ота-оналари ва яқинлари иштирокида психологик тренинглар ва коррекцион тадбирлар ўтказилади.

Зўравонлик қилганларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўради.

40. Мактаб ўқувчилари орасидаги оммалашаётган долзарб масалалар бўйича малакали психологлар иштирокида қуйидаги масалаларда ота-оналар учун вебинарлар ташкил этилади:

ўқувчилар ўртасида аддиктив хулқни келиб чиқиши, болаларда намоён бўлиши, унинг оқибатлари ва олдини олиш;

болаларда мавжуд мобил алоқа воситаларига ва компьютерларга боғлиқлик ҳамда ижтимоий тармоқ ўйинларига ружу қўйишнинг салбий оқибатларини тушунтириш;

бола тарбиясида “Мақсад ва ютуққа эришиш” мотивациясини шакллантириш.

IV. Умумий ўрта таълим мактабларида “Хавфсиз мактаб” концепцияси асосида ишлаш тизимини жорий этиш

41. Умумий ўрта таълим мактабларининг кўриқланиши Миллий гвардия Кўриқлаш бош бошқармасининг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда кўриқлаш бўлинмалари) томонидан, шартнома асосида кўриқлаш постлар ва “ташвиш” тугмалари орқали амалга оширилади.

42. Қоровулларнинг хизматни олиб бориш йўриқномаси Миллий гвардия кўмондони буйруғи билан тасдиқланади.

43. Кўриқлаш бўлинмаларининг мактабларни кўриқлашга жалб этилган ишчи ва хизматчилари (кейинги ўринларда қоровул) Кўриқлаш бош бошқармасининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари учун белгиланган фарқловчи белгилари мавжуд бўлган махсус формали кийим-бош билан таъминланади ва хизмат ўташ вақтида ушбу формали кийим-бошда бўлади.

44. Мактаб қоровуллари металлодетектор, резина таёғи, фонарик, тиббиёт қутигаси билан таъминланади.

45. Қоровулларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг минтақавий ўқув марказларида амалга оширилади.

46. Мактабларнинг кўриқловини ташкил этишда мактаблар маъмурияти қуйидагиларни амалга оширади:

мактабларда кўриқловни амалга ошириш учун шарт-шароитларни яратади;

кўриқлаш бўлинмалари томонидан киритилган тақдимномаларга асосан мактабнинг техник мустаҳкамлигида аниқлаган камчиликларни бартараф этилишини таъминлайди;

мактабда назорат-ўтказиш тартибини белгилайди ва кўриқлаш бўлинмаси билан келишади.

47. Мактабларнинг кўриқловини амалга оширишда кўриқлаш бўлинмалари қуйидагиларни амалга оширади:

мактабда кўриқлаш постларини ташкил этади ва қоровуллар хизматини ўрнатилган тартибда йўлга қўяди;

мактабда тасдиқланган йўриқномага асосан назорат-ўтказиш режимини таъминлайди;

комиссия таркибида ҳар олти ойда бир марта мактабнинг техник мустаҳкамлик ҳолатини ўрганади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича мактаб маъмуриятига тақдимномалар киритади.

48. Мактаб қоровули мактаб ҳудудига транспорт воситаларининг кириши (чиқиши), мол-мулкни олиб кириш ва олиб чиқишни, шунингдек, мактабда белгиланган ёнғин хавфсизлиги ва ички тартиб қоидаларига риоя этилишини назорат қилади.

49. Мактаб ҳудуди (бино)га кириш учун белгиланмаган жойлардан шахсларнинг кириши тақиқланади.

Автотранспорт воситаларини кириши эса, катъий равишда чегараланади.

50. Мактабларда дарс вақтида таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг кириши ва чиқиши тақиқланади.

51. Ҳар бир мактабда ички тартиб йўриқномаси алоҳида тарзда, мактабнинг жойлашуви, ўзига хосликларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилиб, кўриқлаш бўлими бошлиғи билан келишилади ва мактаб раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

52. Мактаб ҳудудига олиб кирилиши ва ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши тақиқланган воситалар (ашё-буюмлар) рўйхати мактаб маъмурияти томонидан тасдиқланади.

53. Мактаб асосий (иккиламчи) биноларининг кўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантирувчи сигнализацияси, периметр, майдонлар, бино йўлакларидаги видеокузатув воситалари кўриқлаш постидаги кичик сифимдаги жамлагич ва видеомониторга уланади.

54. Ўқувчиларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар), яқинлари ёки бегона шахслар томонидан мактаблардаги педагогик фаолиятга қасддан аралашиш ёки ўқитувчига (ўқувчига) нисбатан тажовузкорлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида ўз вақтида ташвиш тугмасини босиш орқали туман (шаҳар) кўриқлаш бўлими тезкор ҳаракатланувчи отрядлари етиб келишини таъминлайди.

Аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўради.

55. “Хавфсиз мактаб” концепцияси асосида ишларни ташкил этиш, объект хавфсизлигини ва кўриқловини таъминлаш, қоровул зиммасига юклатилган вазифа, мажбурият ва ҳуқуқлари, шунингдек, махсус воситалар билан ишлаш масалаларига доир ўқув дастурларига мувофиқ, ҳудудий кўриқлаш бўлинмаси базасида қайта тайёрлаш ўқув курсларида ўқитилади.

Умумий ўрта таълим мақтабларида ўқувчиларни таълимга жалб этиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, қонунбузарликларнинг олдини олиш, психологик қўллаб-қувватлаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш юзасидан ҳамкорликда ижро этиладиган чора-тадбирлар
ЙЎЛ ХАРИТАСИ

Т/р	Белгиланган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Ижрочилар
I. Ташкилий тадбирлар				
1.	Барча умумий ўрта таълим мақтабларида давоматининг юритиш. ўқувчилар мониторингини	<p>1. Республика бўйича мақтаблардаги ўқувчиларнинг давомат мониторингини юритиш.</p> <p>2. Ҳисоботларнинг “Мақтаб – туман (шаҳар) – вилоят – республика” даражасида давомат бўйича ахборот алмашинувини йўлга қўйиш. Бунда:</p> <p>мақтаблар томонидан соат 14.00га қадар туман (шаҳар) Мақтабгача ва мақтаб таълими бўлимларига ҳамда инспектор-психологларга (бириктирилган Миллий гвардия ходимларига) давомат бўйича ҳисобот тақдим этиш;</p> <p>инспектор-психологлар (бириктирилган Миллий гвардия ходимлари) мақтаб маъмурияти томонидан тақдим этган давомат ҳисоботини туман (шаҳар) катта инспектор-психологига умумлаштириш учун тақдим этиш;</p> <p>туман (шаҳар) Мақтабгача ва мақтаб таълими бўлимлари ҳамда катта инспектор-психологлар томонидан соат 16.00га қадар, тегишлигига кўра вилоят Мақтабгача ва мақтаб таълими бошқармасига ҳамда Миллий гвардия бошқармасига ҳисобот тақдим этиш;</p> <p>вилоят Мақтабгача ва мақтаб таълими бошқармаси, Миллий гвардиянинг ҳудудий бошқармаси томонидан соат 17.00га қадар, тегишлигига кўра Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлигига ҳамда Миллий гвардия Болалар билан ишлаш бошқармасига ахборот бериб бориш.</p>	Доимий равишда	Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги, Миллий гвардия

Т/р	Белгиланган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Ижрочилар
2.	Инспектор-психологларнинг бевосита хизмат жойлари қилиб мактабларни белгилаш ҳамда уларни мактаб психологлари билан ҳамкорликдаги ишларини ташкил этиш.	<p>1. Ҳар бир мактабда инспектор-психолог фаолияти учун хизмат хонасини ажратиш масаласини ҳал этиш.</p> <p>2. Бириктирилган инспектор-психолог ҳар бир мактаб психологлари билан бирга қуйидагиларнинг рўйхати юритилишини ва улар билан манзилли ишлашни йўлга қўйиш:</p> <p>сурункали равишда сабабсиз ўқишга келмайдиганлар (дарс қолдирувчилар);</p> <p>қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганлар;</p> <p>хорижий давлатларга кетганлар;</p> <p>юриш-туриши, тарбияси ва ахлоқий-руҳий ҳолатида салбий ўзгаришлар кузатилганлар (мунтазам равишда буллинг қўлланувчи ва ўқитувчиларга ҳурматсизлик қилувчилар);</p> <p>наркотик ва психотроп воситалари, тамаки маҳсулотлари ҳамда спиртли (энергетик) ичимликларни истеъмол қилувчилар;</p> <p>доимий равишда ота-онаси томонидан меҳнатга жалб этиладиганлар;</p> <p>фарзандининг таълим олишига тўсқинлик қиладиганлар;</p> <p>мактаб ички-тартиб қоидаларига риоя қилмайдиганлар (ўқув қуролларисиз келадиган, белгиланган русумдаги кийим-кечаклар киймайдиган, доимий дарсларга кечикиб келадиган, тиғли ва жароҳатловчи жисмлар олиб юрувчилар);</p> <p>жамиятда ва оилада тазйик ва зўравонликка учраганлар.</p>	Босқичма-босқич	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Миллий гвардия
3.	Ўқувчиларнинг таълим олиш жараёнига таъсир қилмаган ҳолда уларнинг даволатини юритиш.	<p>1. Ҳар куни фан ўқитувчилари (синф раҳбарлари) томонидан ўқувчиларнинг даволатини е-Мактаб платформаси орқали ахборот алмашинувини йўлга қўйиш ҳамда ўқувчилар даволати юзасидан аниқ маълумотларни киритиш.</p> <p>2. Инспектор-психолог ҳамда Миллий гвардиянинг бириктирилган ходимлари ўз фаолиятини мактаб ҳудудида мактаб маъмурияти билан ҳамкорликда таълим олиш жараёнига таъсир қилмаган ҳолда даволат юритиш ишларни ташкил этиш.</p>	Мунтазам равишда	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Миллий гвардия
II. Ўқувчиларни таълимга жалб этиш ҳамда дарсларга қатнашиш даволатини яхшилаш				
4.	Умумий ўрта таълим мактаб	1. Ўқув-семинарни ўтказиш режа-жадвалини ишлаб чиқиш,	2024 йил	Мактабгача

Т/р	Белгиланган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Ижрочилар
	директорлари, “Маҳалла еттилиги” ва инспектор-психологлар иштирокида “Оила-маҳалла-мактаб” занжири тизими асосида ишни ташкил этиш бўйича ўқув-семинарини ўтказиш.	ўтказиш жойи ва тартибини белгилаш. 2. Ўқув-семинарига мазкур соҳа бўйича малакали мутахассисларни жалб этиш. 3. Ўқув-семинарини ўтказиш.	10 март 2024 йил 15 март Режа асосида	ва мактаб таълими вазирлиги, Миллий гвардия
5.	Сабабсиз дарсларга келмайдиган ўқувчиларни мактабга қайтариш юзасидан тизимли ишларни йўлга қўйиш.	1. Дарсда сурункали (мунтазам) қатнашмайдиган ўқувчиларни “қизил” тоифага, кечикиб келувчиларни “сарик” тоифага ажратиш. 2. Мактаб маъмурияти, инспектор-психолог, “Маҳалла еттилиги” ва дарс қолдирувчи ўқувчининг ота-онаси билан профилактик суҳбат ўтказиш. 3. Ўзгариш бўлмаган ҳолларда ота-оналарга нисбатан жавобгарлик масаласини ҳал этиш.	Мунтазам равишда	Миллий гвардия, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
6.	Ўқувчилар томонидан дайдилик ва тиланчилик қилинишининг олдини олиш, ижтимоий ҳолати оғир бўлган ҳамда назоратсиз қолган ўқувчиларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш.	1. Ижтимоий оғир ҳолатдалиги сабабли мактабга келмаётган болаларнинг рўйхати асосида ота-оналарини “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Меҳр дафтари” га киритиш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш. 2. Маҳалла жамғармаси томонидан оилаларга моддий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш. 3. Ота-онаси чет элда бўлган, дарсга қатнашмаётган ўқувчиларга васий ёки ҳомий тайинланганлигини ўрганиш. 4. Болага васий ёки ҳомий тайинланмаган ҳолларда ота-онасини Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47⁷-моддаси билан жавобгарликка тортиш чораларини кўриш ҳамда боланинг келгусида назоратсиз қолишининг олдини олиш.	2024 йил 10 март Аниқланган ҳар бир ҳолатда	Миллий гвардия, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
7.	Ўқувчиларни дарс вақтида ота-оналари томонидан қўшимча даромад топиш мақсадидаги ишларига жалб этиш ҳамда таълим олишига тўсқинлик қилиш ҳолатларининг олдини олиш.	1. “Профилактика куни” доирасида ҳамкор ташкилотлар масъуллари билан биргаликда дарс жараёнида савдо-сотик ва хизмат кўрсатиш секторларида меҳнат қилаётган ўқувчиларни аниқлаш юзасидан “Давомат” тадбирини ўтказиб бориш. 2. “Давомат” тадбирида аниқланган ўқувчининг ота-онасини жавобгарликка тортиш чораларини кўриш.	Доимий равишда	Миллий гвардия, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
8.	Хорижий давлатга ота-онаси билан	1. Хорижий давлатга ота-онаси билан бирга чиқиб кетган ва	Доимий	Миллий гвардия,

Т/р	Белгиланган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Ижрочилар
	бирга чиқиб кетган ва мактаб давоматида турган ўқувчиларни мактаб таълимига жалб этиш (мактаб давомати ҳисобидан чиқариш).	<p>мактаб давоматида турган ўқувчиларнинг кунлик рўйхатини юритиш.</p> <p>2. Ўқувчининг ота-онаси ва яқин қариндошлари орқали хориждаги манзили, кетиш мақсади, ижтимоий ахволи, мактаб ёшидаги боланинг хорижда таълимга жалб этилганлигига аниқлик киритиш.</p> <p>3. Мактаб маъмурияти томонидан боланинг хорижда таълимга жалб этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тегишли Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссияси қарорига мувофиқ мактаб ўқувчилари ҳисобидан чиқариш.</p> <p>4. Хорижда таълимга жалб этилмаган болаларнинг ота-онасини жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиш, натижасига кўра, келгусида фарзандининг таълимга жалб этилишини таъминлаш.</p>	равишда	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
III. Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ватанга садоқат ҳиссини юксалтириш				
9.	Ўқувчиларнинг Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзларига бўлган ҳурматини ошириш.	<p>1. Барча мактабларда кун тартибини Давлат мадҳиясининг янграшидан бошлаш.</p> <p>2. Мактабнинг асосий бино кириш қисми, “Бизнинг фахримиз” маънавият хонаси, йиғилишлар зали ҳамда ҳар бир синфга мос равишда катта ва кичик ҳажмдаги Давлат байроғини ўрнатиш.</p>	Мунтазам равишда	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
10.	Мактабларда “Ёш гвардиячилар” ихтисослаштирилган синфларни ташкил этиш.	<p>1. “Ёш гвардиячилар” ихтисослаштирилган синфлар фаолияти барча мактабларда босқичма-босқич ташкил этиш режаларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. “Ёш гвардиячилар” ихтисослаштирилган синфларини туман (шаҳар) ҳарбий секторлар ёрдамида ўқув кўргазмали воситалар билан таъминлаш.</p> <p>3. “Ёш гвардиячилар” ихтисослаштирилган синфларида ўқувчилар билан ўтказиладиган ватанпарварлик тадбирлари маҳсул дастурлар асосида амалга ошириш.</p>	2024-2025 йиллар	Миллий гвардия, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
11.	Мактабнинг битирувчи синф ўқувчилари билан вилоятдаги ҳарбий қисмлар ва полигонларда ватанпарварлик руҳидаги ўқув йиғинларини ташкил этиш.	<p>1. Битирувчи синф ўқувчиларини ҳарбий қисм ва полигонларга олиб чиқиш режасини тузиш.</p> <p>2. Битирувчи синф ўқувчилари билан ҳарбий қисм ва полигонларда 2 кунлик ўқув йиғинларини ташкил этиш.</p>	Алоҳида режага мувофиқ	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Миллий гвардия

Т/р	Белгиланган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Ижрочилар
12.	Мактабнинг 9-11-синф ўқувчилари билан “Ҳоким – ўқувчи – ота-она” учрашув ва давра суҳбатларини ўтказиш.	1. 9-11-синф ўқувчилари билан ҳар ойда икки маротаба “Ҳоким – ўқувчи – ота-она” учрашувини ўтказиш режасини ишлаб чиқиш. 2. Худудларда ҳокимлар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан учрашув ва давра суҳбатларини ўтказиш.	Мунтазам равишда	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
13.	Мактабларда “Менинг армиям – менинг фахрим” мавзусидаги “Жасорат бурчаги” ни ташкил этиш.	1. “Менинг армиям – менинг фахрим” мавзусидаги “Жасорат бурчаги” стендларининг намунавий лойиҳасини тайёрлаш. 2. Қуролли Кучларнинг жанговар салоҳиятини намоён этувчи кўргазмали ахборот стендларини мактаб йўлакларига ўрнатиш.	2024 йил 1 апрель 2024 йил 1 май	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Миллий гвардия
14.	Мактабларда ўқувчиларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш , касбга йўналтириш, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш.	1. Мактабларда спортнинг қўл жанги, камондан отиш ва бошқа оммавий спорт турлари бўйича тўғарақлар ташкил этиш. 2. Ҳар бир ўқувчини қизиққан касби ёки олий таълимга ўқишга кириш истагидан келиб чиққан ҳолда уни тайёрлашга масъул бўлган устоз ва мураббийни бириктириш.	Алоҳида режага мувофиқ	Миллий гвардия, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
15.	Мактаблардаги чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчилари фаолиятини такомиллаштириш.	1. Мактаблардаги чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчилари фаолияти ва сифат таркибини ўрганиб чиқиш. 2. Чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчи лавозимларини нафақадаги олий маълумотли ҳарбий хизматчи ва ходимлар орасидан жамлаш.	2024 йил 10 март Режа асосида	Миллий гвардия, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
IV. Мактаб ўқувчилари ўртасида қонунбузилишининг олдини олиш ҳамда психологик тайёрлаш				
16.	Мактаб ўқувчилари орасида қонунбузилишига ва бошқа кўринишдаги хулқ оғишларига қарши манзилли психологик ишлаш тизимини йўлга қўйиш.	1. Психологик ташхис қўйиш ва ҳар бир бола учун психологик портрет яратиш. 2. “Хавф гуруҳи”га киритилган болалар билан якка тартибдаги суҳбатларни ўтказиш ҳамда уларнинг ота-онаси, маҳалла фаоллари иштирокида манзилли психологик ишларни ташкил этиш. 3. Хулқ оғишлари кузатилган ўқувчилар билан тренинглар ва уларнинг ота-оналари билан вебинар машғулотлар ўтказиш.	Алоҳида режа асосида	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Миллий гвардия
17.	Мактабларда ахлоқий-психологик муҳитни яхшилаш .	1. Муассаса маъмурияти ва ўқитувчи педагоглар билан якка тартибда суҳбатлар (интервью) олиб бориш. 2. Муассаса маъмурияти ва ўқитувчи педагоглар ҳамкорлигида ўқув синфларида, ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни таҳлил қилиш ва ижобий ахлоқий-руҳий	Доимий равишда	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Миллий гвардия

Т/р	Белгиланган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Ижрочилар
		<p>муҳитни яратиш.</p> <p>3. Ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш ва барқарорлаштириш, ижтимоий мослашувини таъминлашга йўналтирилган психокоррекцион, профилактик тренинг ва суҳбатлар ташкил этиш.</p>		
18.	<p>“Оила-маҳалла-мактаб” занжири асосида вояга етмаганлар билан манзилли ишлашни йўлга қўйиш.</p>	<p>1. Туман (шаҳар) Мактабгача ва мактаб таълими бўлими, ҳудудий МФЙ вакиллари ҳамда инспектор-психологлар билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг ота-оналари билан профилактик суҳбатлар ўтказиш, фарзандларини мактабга қайтариш ва даволатни яхшилаш чораларини кўриш.</p> <p>2. Ўқувчилар томонидан содир этилган ҳар бир жиноятни тўлиқ таҳлил этиш, ҳудуддаги МФЙ вакиллари билан биргаликда жиноят содир этганларнинг хонадонига бориб, турмуш шароитларини ўрганиш, жиноятнинг келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, ҳисоботини юритиш ва мониторинг қилиш.</p> <p>3. Маҳаллада ўқувчилар орасида қонунбузилишига муросасиз муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, наркотик ва психотроп воситалар ҳамда спиртли ичимликлар истеъмол қилишларининг олдини олиш, уларга салбий оқибатларини етказиш юзасидан давра суҳбатларини ташкил этиш.</p> <p>4. Хорижга чиқиши учун вояга етмаган фарзандига паспорт расмийлаштирган ҳар бир ота-она билан фарзандини нима мақсадда олиб кетаётганлиги, келгусида фарзандининг таълимига доир муносабатларни тартибга солиш юзасидан улар билан манзилли ишларини олиб бориш.</p>	Доимий равишда	Миллий гвардия, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
19.	<p>Мактабларда ҳар жума кунини ўтказиладиган “Синф соати” доирасида ўқувчилар билан “Психолог маслаҳати”ни ўтказиш амалиётини кенг йўлга қўйиш.</p>	<p>1. Мактабларда “Синф соати” доирасида “Психолог маслаҳати”ни ўтказиш режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Режага мувофиқ вилоят психологлари, мактаб психологлари ва инспектор-психологларни жалб қилган ҳолда ўқувчилар учун “Психолог маслаҳати” соатларини ташкил этиш.</p>	2024 йил 15 март Алоҳида режага мувофиқ	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Миллий гвардия
V. Умумий ўрта таълим мактабларида “Хавфсиз мактаб” концепцияси асосида ишлаш тизимини жорий этиш				
20.	Мактабларни қўриқлаш тизимини	1. Мактаблар ҳудуди ва синф хоналарини видеокузатув	2025 йил	Мактабгача ва

Т/р	Белгиланган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Ижрочилар
	такомиллаштириш.	<p>мосламалари билан жиҳозлаш.</p> <p>2. Қоровуллар учун мактабнинг кириш жойида назорат-ўтказиш пунктларини (пост будкасини) ташкил этиш ва турникет билан жиҳозлаш.</p> <p>3. Мактаб периметридаги тўсиқ деворларнинг ўрнатилган меъёрлар асосида жиҳозланишини таъминлаш ва мактабга фақат асосий кириш дарвозаси орқали киришини амалга ошириш.</p> <p>4. Чекка ҳудудларда жойлашган мактабларга “ташвиш” тугмаларини тўлиқ ўрнатиш.</p>	<p>1 сентябрь 2024 йил давомида</p> <p>Доимий</p> <p>2025 йил 1 январь</p>	<p>мактаб таълими вазирлиги, Миллий гвардия</p>
21.	<p>Мактаб қоровулларини хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш.</p>	<p>1. Қоровуллар учун хизмат олиб бориш йўриқномасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Қоровулларни кийим-бош, алоқа воситалари ва металлодетектор билан таъминлаш.</p> <p>3. Қоровулларни Қўриқлаш бўлинмалари ўқув марказларида малакасини ошириш.</p>	<p>2024 йил 1 апрель</p> <p>1 сентябрь</p>	<p>Миллий гвардия, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги</p>
22.	<p>Мактабларда фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан тизимли ишларни амалга ошириш.</p>	<p>1. Мактабларнинг юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларга тайёрлик ҳолатини ўрганиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш.</p> <p>2. Фавқулодда вазият юзага келганда мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларининг ҳаракатлари юзасидан машғулотлар ўтказиш.</p>	<p>2024 йил 25 март Алоҳида режага асосан</p>	<p>Миллий гвардия, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги</p>